

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 10 апрель. Чоршанба №30 (890) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

АДОЛАТ, ОШҚОРАЛИК ВА ХОЛИСЛИК

маҳалланинг муносиб ҳиссаси билан таъминланади

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар маҳалла тизимида ҳам ўзининг самарасини яққол кўрсатмоқда. Аслида юрт ободлиги, халқ фаровонлиги, меҳнатимиз натижаси, оиламиз тинчлиги ҳам маҳалла билан боғлиқ.

Мамлакатимизда 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб номланишида ҳам маҳалла манфаатлари, юрт тинчлиги ва ободлиги, халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш, яшаш шaroитларини яхшилаш, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини такомиллаштириш, таълим савиясини янада юксалтириш, иш билан бандликни ошириш, оилаларни мустақамлаб, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш ман-

фаатлари эътиборга олинган. «Обод турмуш йили» Давлат дастурига кўра, ушбу йилда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ҳамда ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек сақлашда ҳар бир фуқаро ўзини бурчли санашни лозим.

> [2]

ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ

ҚАДРИ БАЛАНД, ОРЗУЛАРИ ОЛАМ ҚИЗЛАР

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларнинг спортга жалб қилиш тизими дунё мамлакатларида учрамайдиغان ноёб тажрибадир. Бу саъй-ҳаракатларнинг нечоғли катта натижалар бераётгани эса ҳеч кимга сир эмас.



Бугун қалбимизни фахру ифтихорга тўлдириб, чекка-чекка ҳудудлардан ҳам қатор чемпион қизлар етиштириб чиқаётгани ана шу юксак эътиборнинг

меvasи, албатта. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши мажлисидаги маърузасида: «Яқинда Тошкентда Хотин-қизлар байрамига бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққан С.Шайдуллаеванинг фикрларига эътибор берадиган бўлсак, унинг қандай ишонч билан, ўз юрти ҳақида фахр билан гапиргани барчамизни мамнун этади. Мен билмадим, бундай қизларга ҳар томонлама муносиб куёв бўлиш, уларнинг меҳрини, муҳаббатини қозониш учун энди йигитларимиз қандай марраларни забт этиши керак булар экан?», деган сўзлари ўзбек қизларининг қадри нақадар юксаклигини далиллади.

> [4]

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

БОЛАЛАР МУСТАҲКАМ ОИЛАДА КАМОЛ ТОПАДИ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида турмуш фаровонлигини юксалтириш, аҳоли даромадларини янада ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир.



Оила мустақамлиги ва истиқболнинг иқтисодий таъминланганлиги даражасига бевосита боғлиқдир. Юртимизда фаолият юритаётган давлат, нодавлат ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан бу борада қатор чора-тадбирлар, лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

«Ўзбекистон SOS Болалар маҳаллари» уюшмаси қаровсиз қолган болаларни ўз қарамлигига олиш, уларга гамхўрлик кўрсатиш билан бир қаторда, оилалар ва болаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат дастурларини бажаришда ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. 2011 йилнинг ноябрь ойидан уюшма Европа Итти-

фоқнинг молиявий кўмағида ҳамда «SOS Kinderdorf» (Германия) билан ҳамкорлик ва институционал ривожланиш дастури доирасида Тошкент шаҳрида «Оилаларни мустақамлаш» лойиҳасини амалга оширмоқда.

> [2]

ЭЪТИРОФ

МАҲАЛЛА — МЕН УЧУН ҚАДРДОН МАСКАН

Като Кюдзо дастлаб Ўзбекистонга сайёҳ сифатида келганида юртимизнинг қадимий обидаларини зиёрат қилган ва диёримиз тарихи, археологиясига қизиқиб, «Буюк ипак йўли чорраҳаларида» номли илк китобини ёзганди.

Термиз шаҳри яқинидаги Қоратепа, Фаёзтепа ва Зурмула, Шурчи туманидаги Далварзинтепа ёдгорликлари унда катта таассурот қоздиргани боис, бу ерга келиб археологик қазिश ишларини олиб боришни дилга тутди. Мамлакатимиз мустақамликка эришгач, япониялик олимнинг бу нияти амалга ошди.

1997 йилдан буён Қоратепа, Фаёзтепа, Далварзинтепада ўзбек-япон археологик экспеди-

логик қазिश ишларини олиб бормоқда.

— Ўзбеклар ва японларнинг кўлаб анъаналари бири-бирига ўхшаш, — дейди у. — Ёшларнинг катталарга ҳурмат-эътиром, меҳр-оқибати ҳам шу жумладан. Биздаги «Сакура» байрами сизнинг Навруз айёмингизга ҳамоҳанг. Ноёб бошқарув тизими — маҳаллар томонидан амалга оширилаётган ишлар мени ҳайратга солади. Бизда ҳам шунга ўхшаш бошқарув тизими бор. Лекин улар сизнинг маҳаллангизчалик таъсирчан ва қўп ваколатли идора эмас. Мен бу ерга илк бор келганимда «Қўштегирмон» маҳалла фуқаролар йиғинида, Ҳасанбой Назаровнинг уйида бир неча муддат

йашадим. Кейинчалик маҳалла ҳудудидан ер ажратиб, уй қуриб беришди. Далварзинтепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Худойберди Абдуқодиров, «Қўштегирмон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нуралӣ Хайитов ва йиғин фаоллари ҳолимдан доимо хабар олиб туришади. Уч минг нафарга яқин аҳоли яшайдиган маҳалла мен учун қадрдон масканга айланган. Маҳалладаги муҳит, кишиларнинг бир-бирига ҳурмат-эътиром, меҳр-муҳаббати юрагимга яқин, жонажон юртимни эслагти туради. Шунинг учун вақтим тингизлиги, ишим қўлигимга қарамай, маҳаллада ўтказилган тадбирларда, халқ сайилларида фаол иштирок этмаган.

М.АЗИМОВ
«Mahalla»

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ БУЮК ТИМСОЛИ

Амир Тему́р — халқимиз тарихи солномасидаги нажоткор қаҳрамонлардан бири.



Мустақамликка эришганимиздан сўнг Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида маънавий тақлифи ва янгилашни жараёнида Амир Тему́р бобомизнинг муборак номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймоси ҳам тикланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Тему́р йили деб эълон қилинди. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида муҳташам

ҳайкаллари қад ростлади. Улуғ бобомиз шарафига ордено таъсис этилди. 2011 йили Юртбошимиз тақлифи ва сузбошиси билан «Тему́р тузуқлари» асари мукамал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди. Истиқлол йилларида Амир Тему́р таваллуд топган кунни халқимиз улуғ аждодимиз хотирасига эҳтиром сифатида ҳар йили кенг байрам қилмоқда. Соҳибқирон таваллудининг 677 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунлар-



да бу жиҳатлар ҳар бир юртдошимиз қалбиде яна бир бор ўз ифодасини топаётир. Анъанага кўра 9 апрель кунини пойттахтимиздаги Амир Тему́р хиёбонида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазилик ва идоралар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

> [2]

«ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2013»

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИ ЮКСАК САВИЯДА ЎТҚАЗИШ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН



Тошкент шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионати давом этмоқда.

Унда Ўзбекистон, АҚШ, Россия, Хитой, Австралия, Испания, Италия, Хиндистон, Индонезия, Шри Ланка, Бангладеш, Вьетнам, Миср, Тунис, Мексика, Бразилия, Туркия, Венгрия, Польша, Украина, Арманистон, Озарбойжон, Туркменистон, Тожикистон, Қозоғистон каби етмишга яқин давлатдан юзлаб спортчилар кураш олиб бормоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УЗА мухбирлари дунё биринчилиги иштирокчиларининг айримлари билан сўхбатлашди.

Анико Немет МОРА хоним, Халқаро оғир атлетика федерацияси директори:

> [4]



ЮРТИНГ ОБОД

ДИЛИНГ ОБОД
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурдаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар фаолияти муҳим ўрин тутди.

Хусусан, Навоий вилоятида ўқувчиларнинг давоматини назоратта олиш мақсадида барча таълим муассасаларида ҳар ойда 2-3 марта туман ҳокимлари, ҳоким ўринбосарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари, «Камолот» ЕИҲ фаоллари ва ота-оналар иштирокида йиғилишлар ўтказилмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан 2012 йил 17 январда қабул қилинган «2012-2015 йилларда умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу борада ўзaro ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарор билан тасдиқланган ҳамкорлик режасига асосан, дарсларга ўз вақтида қатнашмаган, бозорларда турли юмуш ҳамда жамоат транспортларида чипта сотиш билан шуғулланаётган ўқувчиларни аниқлаш ва уларни ўқига қайтариш мақсадида фонднинг шаҳар ва туман бўлиналари, фуқаролар йиғинлари, халқ таълими бўлиmlарининг масъул ходимлари ҳамда тегишли мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида «Ўқувчи рейдлари» ташкил этилаётир.

Ёшлар ўртасида турли хилдаги киноэчиликларнинг ва менталитетимизга зид салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида комиссия ҳамда бошқа жамоатчилик кенгашлири томонидан «Маҳалланг тинч — сен тинч» ва «Оғох ва хушёр бўлайлик» каби мавзуларда сўхбатлар уюштирилмоқда. Маҳаллалар ҳудудида ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи турли хилдаги омиллари боргараф этиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг буюк келахатини барпо этиши қодир баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ишларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Навоий вилояти бўлими ҳам салмоқли ҳисса қўшаётир.

Раъно ШЕРБЎТАЕВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг
Навоий вилояти бўлими бошқаруви
бош мутахассиси.

ШУ КҮННИНГ МАВЗУСИ

Ойлик

ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан шу куннинг долзарб вазифаларидан бири — маҳаллалар ҳудудларини ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жойларда ободонлаштириш ва кўқаламзорлаштириш ойлги доирасида хашарлар уюштирилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида Фонднинг молиявий кўмағида маҳаллалар ҳудудларига 74,5 миңг тулдан зиёд манзарали, 53 миңг тулдан ортиқ гували дарахт ҳамда 133 миңг тулдан кўпроқ гул қўчатлари экилди. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари ҳудудида 2 млн.га, марказий кўчаларда 1 млн.га яқин дарахт ниҳоллари ўтказилгани юртимиз кўржига кўрк қўшмоқда. Мамлакатимизда 566 та янги боғ ташкил этилгани эса, она табиатиимизни янада гуллаб-яшнаётганини далиллади.

Маҳаллаларда ёшлар учун янги спорт майдончаларини бунёд этиш, улар ҳудудини тартибга келтириш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Фонднинг ҳудудий бўлими ва бўлиналари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жами 234 та болалар майдончаси қайта таъмирланиб, 6 таси янгидан барпо этилди. 386 та майдонча атрофи ободонлаштирилди.

Айни пайтда «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг 70-бандида белгиланган вазифа ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бир нечта ҳамкор ташкилот билан бирлиқда профессионал ва хаваскор фото ижодкорлар уртасида «Бир болага етти кўшини ота-она» мавзусида республика фототанловини юқори савияда ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошираётир.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН!

БУ МУҚАДДАС ЗАМИНДА ФУРУРСИЗ, ИФТИХОРСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар замирида, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратишдек эзгу мақсадлар муҳим.

Президентимиз Ислам Каримов халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида: «Тошкент вилоятида иқтисодий-иқтисодий етакчи тармоғи бўлиши саноат соҳаси юқори даражада ривожланган. Бугунги кунда вилоятнинг мамлакатимиз саноатидagi улуши, Тошкент шаҳри билан қўшиб ҳисоблаганда, 33,6 фоизни ташкил этади», деб таъкидладилар.

Дарҳақиқат, вилоятимиз республикамизнинг юксак даражада саноатлашган ҳудудларидан. Саноатнинг маҳаллаларда ривожланиши аҳолининг, хусусан, ёшлар, айниқса, коллежларни битириб, катта ҳаётга улкан орзулар билан йўл олган ўқувчиларимизнинг бандлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Натияжада турмушимиз оёқ бўлади, хонадонларга барака инеди.

Шаҳримиздаги 44 та фуқаролар йиғинида 150 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудимизда жойлашган йирик саноат корхоналари билан ҳамкорликда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Мирзо Ғолиб номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган «Максам Чирчиқ», «Нур» маҳалласидagi «Ўзбекхимваш», «Бирлик» маҳалласидagi «Чирчиқсеамаш» ҳамда «Ғалаба» маҳаллаларидаги «Чирчиқ Трансформаторчиқар заводи» саноат корхоналарида айни пайтда беш минг нафардан зиёд ёш меҳнат билан банд.

Коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш ҳам доимий эътиборимизда. Жорий йил шаҳримиздаги 7 та коллеж ва 1 та академик лицейни битираётган 250 нафар ёшнинг иштирокида «Мурувват» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган «Ўзтекс» ва «Евротекс» қўшма корхонаси ҳамда Бобур номидаги маҳаллада жойлашган «Орзутекс» саноат корхоналари мамурияти билан уч томонлама шартнома имзоланган эришдик.

Бугунги миқдорнинг диди нозик, талаби эса қатъий: у ҳарид қилаётган маҳсулотнинг сифати юқори, нархи арзон бўлишини истайди. Мамлакатимизда саноат тармоқларини ривожлантиришда ана шу мезон инобатга олинган тугайли юқори қўшимча қийматга эга булган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда тўбора олиб борапти. Мисол учун, «Турон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган «Алфоботекстиль» саноат корхонасида маҳаллий хомашедан тайёрланаётган бежирим кийимлар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидорлар.

Юртимизда тадбиркорлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган, соҳа учун қўлай сарможий му-

ҳит яратилган. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф қилинаётган маҳсулотларга талаб эса йил сайин ошиб борапти. Бу эҳтиёжни қондиришда Чирчиқ шаҳри «Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда фаолият юритаётган «Бриз» саноат корхонасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айни пайтда юз нафардан зиёд маҳалла йиғин-қизилари шу корхонада меҳнат қилишмоқда.

Саноат ривожидида кичик бир имтиёз ҳам катта самара келтириши таъин. Айниқса, ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланаётганлар учун бу жуда муҳим. Шу боис бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бирга маҳалла оилаларини қасанчалликка, тиклиш-бичиш ишларига жалб этилди. Бу билан нафақат хотин-қизларини иш билан таъминлаш, балки оила-ларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришга, даромадини оширишга эришилди.

Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида юрtdошларимизнинг машаққатли ва фидокорона меҳнати тугайли қўлга киритилган ютуқлари билан бир қаторда, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд бой имконият ва ресурслардан етарлича фойдаланиш борасида бир қатор камчилик ва оқсоқликларга йўл қўйилаётганига қўрқоқ эътибор қаратишимиз зарурлигини ҳам таъкидладилар. Хусусан, Юрtdошимизнинг «...бизга бўлаверадим, деган эскича қараш билан фақат томорқадан олинган даромад ёки оиди-сотида ишларига қўзғилиб яшаш бизга энди ярашмайди. Бунинг учун одамда гурур туйғуси бўлиши лозим. Бу муқаддас заминда гурурсиз, ифтихорсиз яшаб бўлмайди», деган ҳаётий ҳақиқатларини ўзида мужассам этган даврларидан жуда таъсирландик.

Давлатимиз раҳбарининг қимматли тавсиялардан кейиб чиқиб, бўлиб-мами ва фуқароларнинг ўзини эри бошқариш органлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан бирга ишлаб яшаш янги ҳаётга алоҳида иш режаларини ишлаб чиқиб, амалга оширишмоқдамиз.

Бу келгусида шаҳримизда ўзининг ижобий натижаларини бериши шубҳасиз. Зеро, Юрtdошимиз берган таклиф ва тавсиялар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, бандлигини таъминлашга, бир сўз билан айтганда, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Диқбар САИДБОБОВЕВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чирчиқ шаҳар бўлини раиси.

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ БУЮК ТИМСОЛИ

< [1]

Халқаро Амир Темур жағма-маси раиси Нозим Ҳабибуллаев, Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулода ва мухтор элчиси Манара Риккардо, ёзувчи Нормурод Норқобилов, архитектура доктори, профессор Додо Нозилов мустақиллик йилларида Президент Исом Каримов раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар жараёнида Амир Темур мероси ши-жоат, мардум ва адалат философияси сифатида қадр ва эъзоз топаётганини таъкидлади. Соҳибқирон нафақат ўз давридаги энг қудратли давлат асосчиси, им-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, балки ўз вақтида Осиё ва Европа қитъаларида рўй берган тарихий ўзгаришларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкордир.

«Алут аждаҳдимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зурилик ва зуравонликда эмас, аксинча, адалатда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур анлаган. Унинг давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати ҳар қандай одамни ҳайратга солади», деб ёзади Президентимиз Исом Каримов «Темур тузуклари»нинг сўнгги на-ширга ёзган сўзбошида.

Соҳибқирон шахсига қизиқиш



Халқаро майдонда тобора ортиб бормоқда. Бу беназир зотнинг қандай миллий замин ва тарихий шариҳатда ўсиб-ўлаётгани, қай тариха шундай юксак ўққўларга кўтарилгани, давлат арбоби, енгилмас саркарда ва инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида янги-янги асарлар яратилмоқда. Амир Темур феноменини англаш, холис ва ҳаққоний ёритишга эса фақат мустақиллик тугайли кенг йўл очилди.

Бугун мамлакатимизда миллий давлатчилигини шакллантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш,

фарзандларимиз учун ҳеч қимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, ёшларни жисмонан, ақлан ва маънан юксалтириш борасидаги барча ислохотлар Амир Темур бобомизнинг дунёқараши ва тугумларига моҳиятдан ўйғундир. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Амир Темурни англаш — ўзгиримизни англаш демакдир. Амир Темурни унглаш — тарих қазига чуқур ил-диқ отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Соҳибқирон «Тузуклари»да «яна

амр элдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз курсса, ё бирон боғ қўқартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили удан ҳеч нима олма-синлар, иккинчи йили райат ўз ро-зилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-сомик) қонун-қондасига мувофиқ хирож йиғсинлар», деб ёзади. Бугун мамлакатимизда ҳам қўлай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорларга кенг имтиёзлар берилмоқда. Бунинг самарасида бугун мамлакатимиз яли ички маҳсулотининг 83,6 фоиздан ор-тиги хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Амир Темур даврида фуқародан бирининг уй-иморати бўзилди, туза-тишга қурби етмаса, дарҳол керакли ускуналар етказилиб, ердан берилган. Мамлакатимизда ҳам 2012 йилнинг ўзида маҳаллий мебель, машинаш техника ва бошқа уй-рўзгор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сумдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилди. Бу билан қанчадан-қанча рўзгорлар янада бутунлаб, халқимиз турмуш маданияти, дунёқараши ва диди юксалмоқда.

Бу борадаги ислохотлар Обод турмуш йилида янада кенгаймоқда. Фаровон ҳаётга интилиш, ўз оила-сини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, меҳнат билан турмушини обод этиш, фарзандларининг ёруғ келажакини таъминлаш юрtdошларимизнинг олий мақсадига айланмоқда. Зеро, Соҳибқирон Амир Темурнинг «той минган — от минади» деган ҳикма-

тида ҳам ҳар қандай буюк ўзгариш оддий кундалик ишлардан бошлани-шига теран ишора бор.

Тадбирда Ўзбек миллий академик драма театри актёри Толиб Муминов Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматидан Амир Темур монолигини ўқиб берди.

Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситқонова, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

Шу кунни Темурийлар тарихи давлат музейида «Темурийлар дав-рида им-фан ва маданият» мавзуда илмий конференция бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳридаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Амир Темур ва темурийлар ҳаёти ва фаолияти» мавзудаги ишлар танловининг ғолиби ва совриндорлари тақдирланди. Амир Темур ва те-мурийлар даврига оид экспонат ва китоблардан иборат «Буюк Соҳиб-қирон — буюк бунёдкор» деб ном-ланган кургазма очилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпо-ғистон Республикаси ва барча вило-ятларда бўлиб ўтмоқда.

Умида ЁҚУБОВ, Ўза мухбири.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

БОЛАЛАР МУСТАҲКАМ ОИЛАДА КАМОЛ ТОПАДИ

< [1]

Ушбу дастур мамлакатимизда фуқаролик жамияти ролини кучай-тириш орқали жамоатчилик ташаб-бусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, нодавлат ноижорат таш-килотлар, маҳаллий ҳокимият орган-лари, жамоат ташкилотлари ва улар-нинг Европа Иттифоқи давлатлари-даги ҳамкорлари ўртасидаги алоқа-ларни ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мирзо Ўл-теб туманида амалга оширилаётган Шушбу лойиҳада маҳаллий ҳокимият органлари, нодавлат ноижорат таш-килотлар, мактаблар, ота-оналар ва маҳалла аҳолиси иштирок этмоқда.

— «Ўзбекистон SOS Болалар ма-ҳаллалари» уюшмасининг Тошкент шаҳридаги филиали билан 2010 йл-дан бери ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди Мирзо Ўлтеб тумани ра-исини Абдуллаев номидаги маҳалла раиси Одилов Мамасоиев. — Маз-кур ташкилот вакиллари идорага му-рожаат билан келганда йўналиши-миз, бажарилган вазифаларимиз-нинг аксарияти умумийлигини дар-ҳол ҳис этдим. Чунки бу ташкилот-лар, маҳалла тўзимаси ҳам оила-ларнинг иқтисодий негизини муста-ҳкамлаш, шу орқали ўсиб келаётган ёш авлодга ҳар томонлама мақбул шароитлар яратиш тарафдорим.

Ҳозирги кунда бу борада маҳал-ла тизимида тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Маҳаллани оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик мазна-сига айлантиришга қаратилган

саъй-ҳаракатлар жаддалаштирилаёт-гани замирида ҳам ана шу эзгу ис-так мужассам. Тўғри, маҳалла, ав-вало, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маскани ҳисобланади. Бироқ айни чоғда ҳаётнинг ўзи одамларни вақтинчалик ижтимоий нафақа би-лангина эмас, балки иш билан таъ-минлаш орқали турмуш фаровонли-гини ошириш энг тўғри йўл экани-ни кўрсатмоқда. «Ўзбекистон SOS Болалар маҳаллалари» уюшмаси ҳам худди шу мақсадни ўз олдига қўй-гани билан эътиборимизни тортди. Шу боис ташкилотта идорамида жой ажратиб, ресурс маркази очиб бер-дик. 23 та кам таъминланган оила, 56 нафар бола иштирокида лойиҳа амалга оширила бошланди. Айёл-ларни касбга қайта ўқитиб, бандлигини таъминладик.

Ҳа, оилаларнинг ижтимоий-иқ-тисодий шароитини тобора яхшилаш ушбу эзгу мақсаднинг асосий қисми. Бу лойиҳа доирасида бирор касоб, ҳунари йўқ кам таъминланган оила-лар бекалари ўзларига, биринчи та-лдан, руҳий, маънавий ва амалий қўмак олдилар. Бу эса, уларнинг ҳаётга умид-лигини билан қарашларида, вақтида тўғри йўлни топиб олишларида му-ҳим аҳамият касб этди.

— 2009 йилда турмуш ўртоғим-дан ажрашганим, — дейди Мирзо Ўлтеб тумани раиси Абдуллаев номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Наргиза Пиржанова. — Маълумотим ўрта. 18 ёшимда қўшин



давлатга узатирилган. 4 нафар бола билан қайтиб келгач, ҳеч қандай хунарим йўқлиги боис фарзандла-рини энди қандай боқаман, деб ташвишга тушдим. Ана шундай ва-зиятда маҳаллага суяндим, у мендан маънавий ва моддий қўмагини аям-ди. Йигинимиз раиси «Ўзбекистон SOS Болалар маҳаллалари» уюшма-сининг «Оилаларни мустаҳкамлаш» дастури ҳақида гапириб берди. Лойиҳага мен ҳам қизиқиб қолдим. Сартарошликка ўқувим ва қизиқи-шим билан учун сартарошлик кур-сида белу қўшимга, шунингдек, болаларини боғчага жойлаштириш-га қўмақлашдим. Ҳозир ишлая-ман. Менга ўз вақтида берган катта ёрдамлари учун маҳаллага ва ма-зкур ташкилотга ўз миннатдорчили-гини билдирдим.

«Ўзбекистон SOS Болалар ма-

ҳаллалари» уюшмаси ва йигини қўма-гида ўзи қизиққан хунарни эгал-лаб, оиласига даромад келтириётган Мирзо Ўлтеб туманидаги «Баҳор» маҳалласи фуқароси Гунора Тур-зятда маҳаллага суяндим, у мендан маънавий ва моддий қўмагини аям-ди. Йигинимиз раиси «Ўзбекистон SOS Болалар маҳаллалари» уюшма-сининг «Оилаларни мустаҳкамлаш» дастури ҳақида гапириб берди. Лойиҳага мен ҳам қизиқиб қолдим. Сартарошликка ўқувим ва қизиқи-шим билан учун сартарошлик кур-сида белу қўшимга, шунингдек, болаларини боғчага жойлаштириш-га қўмақлашдим. Ҳозир ишлая-ман. Менга ўз вақтида берган катта ёрдамлари учун маҳаллага ва ма-зкур ташкилотга ўз миннатдорчили-гини билдирдим.

«Ўзбекистон SOS Болалар ма-

ҳаллалари» уюшмаси ва йигини қўма-гида ўзи қизиққан хунарни эгал-лаб, оиласига даромад келтириётган Мирзо Ўлтеб туманидаги «Баҳор» маҳалласи фуқароси Гунора Тур-зятда маҳаллага суяндим, у мендан маънавий ва моддий қўмагини аям-ди. Йигинимиз раиси «Ўзбекистон SOS Болалар маҳаллалари» уюшма-сининг «Оилаларни мустаҳкамлаш» дастури ҳақида гапириб берди. Лойиҳага мен ҳам қизиқиб қолдим. Сартарошликка ўқувим ва қизиқи-шим билан учун сартарошлик кур-сида белу қўшимга, шунингдек, болаларини боғчага жойлаштириш-га қўмақлашдим. Ҳозир ишлая-ман. Менга ўз вақтида берган катта ёрдамлари учун маҳаллага ва ма-зкур ташкилотга ўз миннатдорчили-гини билдирдим.

«Ўзбекистон SOS Болалар ма-

ҳаллалари» уюшмаси ва йигини қўма-гида ўзи қизиққан хунарни эгал-лаб, оиласига даромад келтириётган Мирзо Ўлтеб туманидаги «Баҳор» маҳалласи фуқароси Гунора Тур-зятда маҳаллага суяндим, у мендан маънавий ва моддий қўмагини аям-ди. Йигинимиз раиси «Ўзбекистон SOS Болалар маҳаллалари» уюшма-сининг «Оилаларни мустаҳкамлаш» дастури ҳақида гапириб берди. Лойиҳага мен ҳам қизиқиб қолдим. Сартарошликка ўқувим ва қизиқи-шим билан учун сартарошлик кур-сида белу қўшимга, шунингдек, болаларини боғчага жойлаштириш-га қўмақлашдим. Ҳозир ишлая-ман. Менга ўз вақтида берган катта ёрдамлари учун маҳаллага ва ма-зкур ташкилотга ўз миннатдорчили-гини билдирдим.

«Ўзбекистон SOS Болалар ма-

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

АДОЛАТ, ОШҚОРАЛИК ВА ХОЛИСЛИК

маҳалланинг муносиб ҳиссаси билан таъминланади

< [1]

Аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан берил-ладиган аниқ мавзидagi ижтимоий ёрдам тизимини тақомиллаштиришдек вазифалар ҳам долзарб аҳамиятга эга. Обод турмушининг яна бир муҳим шарты бу — инсон сало-матлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Давлат дастурда аҳоли саломатлигини асрашга доир қатор тадбирлар ҳам ўрин олган.

Халқимизнинг ҳаёт даража-сини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникатив тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш ҳам обод турмуш талабларидан-дир. Маҳаллани обод қилиш, ноёб тузилманинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш ҳам айни шулар сира-сига қиради.

«Обод турмуш йили» Дав-

лат дастури тўғрисидаги қарор-да маҳалла институтини ва фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш, улар-нинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, ёш ва эҳти-ёжман оилаларни ижтимоий қўллаб-қуватлашни яхшилаш, маҳаллалар ва уй-жой мавзела-ри ташқи қиёфасини қуркам-лаштириш, ободлаштириш ва қўқаламзорлаштиришдек вазифаларни ҳам назарда тутди.

Маҳаллага ишонч ортаётган. Айни пайтда ҳар қандай маса-лада энг биринчи маҳаллага му-рожаат этилиб, яхши ва ёмон кунларда елкадош тузилманинг маслаҳат ва тавсияларга амал қилинаётган. Том маънода ма-ҳаллалар давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни му-стаҳкамлайдиган, миллий қа-дрийатларимиз ва урф-одатларимизни намойён этадиган маскан-га айланиб бораётган.

Маҳалла аҳолининг дастлаб-ки муурожаатларини эшитишга, фуқаролар ўртасида юзага кел-ладиган низоларни ҳал этади. Суд амалиёти материалларини таҳлил қилиш натижаларидан маълумки, аксарият фуқаролик ишларини судга кўришда ма-ҳалла томонидан берилган ёзма далиллар (ҳужжатлар), маҳалла

фуқаролар йиғини раиси бер-ган хулосаларга таянлади. Фу-қароларнинг яшаш жойлари билан боғлиқ маълумотларини олиш, уларга қачирув хатларини топтириш, жавобгарнинг яшаш жойи марказидаги ҳақида маълумот бериш, даъ-во аризаларни, уларнинг берган тушунтириш, кўрсатмалари, ба-ёённомалар ва бошқа ҳужжат-ларнинг тақдим этиш ҳамда низо-ларни ҳал қилишда, суд қарорларининг ижросини таъминлашда маҳалланинг қўмаги муҳим. Айниқса, маҳалланинг фаол иштирокини ниҳоятда ту-ғатиш, алимент ундириш, бо-лалар тарбияси билан боғлиқ низо-лар, етказилган зарарни қоплаш, уй-жойга киритиш, уй-жойни бузиш, турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқот-ган деб топиш, мероста оид ишларни ҳал қилишда яққол қўриш мумкин. Бошқа шахс-ларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида ма-ҳалла фуқаролар йиғини раис-и ариза, даъво арзаси, ши-коят билан судга муурожаат қилиш ҳамда шахслар томонидан қўзғатилган фуқаролик ишида хулоса бериш мақса-дида, шунингдек, судга керакли далилларни тақдим этиш йўли билан иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси-нинг «Суд ҳужжатлари ва бош-қа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги» қону-нининг 21-моддасига биноан, суд ижрочилари ўз зиммалари-га юклатилган вазифаларни давлат органлари, кредит таш-килотлари ва бошқа ташкилот-лар билан узаро ҳамкорликда амалга оширади. Ижро ҳаракат-ларининг бажарилишида, шу жумладан, суд ижросини томо-нидан ижро ҳаракатларининг амалга оширилишида бирон-бир тўсиқ булганда жамоат тар-тиби сақланишини таъминлай-ди. Мазкур органлар ҳамда ташкилотлар (жумладан, фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ички иш-лар идоралари) суд ҳужжатла-ри ва бошқа органлар ҳужжат-ларининг мажбурий ижросини таъминлашда суд ижрочилари-га қўмақлашиши шартлиги бел-гиланган.

Бундан ташқари, шахслар ўртасида келиб чиқаётган низо-ларнинг олдини олиш ва бар-тароф этиш ёки судга қадар уларни келтириш чораларини қўришда, суд қарорларининг ижросини таъминлашда маҳалла вакилларининг ўрни ва вазифалари бор. Хусусан, она-лик ҳуқуқидан маҳрум қилиш-

даги суд жараёнида маҳалла фуқаролар йиғини раиси иш-тирок этиб, тумандаги васий-лик ва ҳомийлик органи томо-нидан киритилган даъво ари-засига муносабат ва жавобгар-нинг хатти-ҳаракатларига ма-ҳалланинг баҳосини беради. Ёки болани олиш ҳақидаги даъ-во бўйича қўзғатилган суд жа-раёнида маҳалла ёзма хулоса тақдим этиб, ота-она ва бола-лар ўртасидаги муаммоларга холис муносабат билдиради.

Шунингдек, суд ажримига қўра ярашиш муҳлати берил-ган оилаларни келиштиришда маҳалланинг ҳиссаси яққол сез-илаётган. Уй-жойга яшаш учун киритиш ҳақидаги суднинг ҳал-қилув қарори ижросини таъ-минлашда суд департаменти ходимлари билан бирга, маҳал-ла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиси ҳам ишти-рок этиб, келин ва унинг оила аъзоларига маслаҳатлар бериб келаётган. Мерос мол-мулкни бузиш ҳақидаги фуқаролик ишида иштирок этган маҳалла фуқаролар йиғини раиси маса-ла юзасидан қонуний, асосли хулоса тақдим этиш орқали, адалатли қарор чиқарилишига муносиб ҳисса қўшгани қадр-дон тузилманинг катта қўма-қи, эзига хос нуфузга эгалигидан

далолатдир.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғини раиси вако-латига эгасиз мол-мулкни қўриқлаш чораларини қўриш, ота-она қарамогидан маҳрум-нинг хатти-ҳаракатларига маъ-лумотларни васийлик ва ҳомий-лик органларига тақдим этиш, шунингдек, бундай болаларни тегишли давлат муассасалари-га жойлаштиришга қўмақла-шиш ва бошқа вазифалар ҳам қиради.

Бироқ ҳаёт тажрибалари, суд ва бошқа органлар амалиё-тини қўзғатиш, иш материалла-рини ўрганиш шунинг қўрсатди-ки, низоларни ҳал қилишда му-тасадди ташкилотлар ҳамкорли-гини кучайтириш зарур. Айниқ-са, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколати-ни кенгайтириш низоли ишлар-ни суҳусиз (судга) ҳал этиш механизмининг шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳамда айни пайтда бу соҳадаги қонунчи-ликни тақомиллаштириш ҳам шубҳа-сиз фуқароларнинг манфаатла-рини йифодалайди.

Замира ЭСАНОВА,

Тошкент давлат юридик институти кафедраси мудири, юридик фанлари доктори.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Мутасаддилар малака оширишди

Йигини раислари ва фаолларининг малакаси ҳамда билимининг ошириш мақсадида Сурхондарё вилояти туманлари марказларида ва Термиз шаҳрида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

ЭЗГУ НИЯТ ВА ТАШАББУС — ТАДБИРКОРНИНГ ҚЎШҚАНОТИ



«Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг республика босқичида Андижон туманидаги «Rubber trust» хусусий корхонаси раҳбари Абдулхалим Исмоилов «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича голиб деб топилди. У республика Президентининг соврини — «Spark» автомобили билан мукофотланди.

Бу бежиз эмас. Корхона йилдан-йилга ривожланиб, ишлаб чиқариш сифати ва турини ошириб борапти. Ҳозир бу ерда нон ва нон маҳсулотлари, пойабзаллар, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлари ва шланглар, трикотаж сингари 30 хил маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. 2007 йилда 7 нафар ишчи билан фаолиятини бошлаган корхонанинг ҳодимлари сони ҳозир 592 нафарга етди.

— Атрофда жойлашган маҳалалардаги ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида «Хамкор саноат ёдуси» фирмаси ҳамда Хитойнинг «Откур» халқаро савдо компанияси билан ҳамкорликда 400 минг АҚШ доллари миқдорига сармоя киритиб, қўшма корхона ташкил этдик, — дейди А.Исмоилов. — Ютқуларимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон тумани бўлиминининг ёрдами катта бўлди. Бу йилда ва «Саноат» маҳалла фуқаролар йиғини масъулари ишлаб чиқариш, ҳодимлар, коммунал хизмат соҳасига доир муаммоларимизни зудлик билан ҳал этишди.

Маҳсулотларнинг тобора харидориги бўлиб бораётгани боис «Rubber trust» утган йили 4,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi буюмларни экспорт қилди. Келаётган даромадининг маълум қисми маҳалла ободлигига

сарфланаётган ҳамда тармоқнинг кенгайтириш бандлигини таъминлашда муҳим омили бўлаётган.

Корхона 2010 йилда Россия, Қозоғистон ва Қирғизистонга 1 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспорт қилган бўлса, кейинчалик бу рақам қарийб 5 миллион долларга етди.

— Халқимиз нафим тегаетганидан бахтиёрман, — дейди тадбиркор. — 600 нафарга яқин юрtdошимизнинг рўзғори тўқис ва фаровон бўлишига эришдик. Агар ишчиларим масъулиятни ҳис қилмай, ҳамжиҳат ишламаганида мен бундай натижага эришолмаган бўлардим. Шундай экан, улар учун барча шароитни яратишга масъулан. Ҳодимлар махсус кийим, бешуа иссиқ овқат билан таъминланган. Йўл муаммосини ҳал этиш мақсадида 5 та хизмат автобуси келтирилди. Корхонани тиббиёт шохбачаси ташкил этилиб, ишчилар белгиланган муддатда кўриқдан утказилади. Илгорлардан 25-30 нафар ҳар йили сифатдошларга корхона ҳисобидан жўнатилмоқда.

Жамоа фахрийлари ҳолидан мунтазам хабар олиниб, турли қимматбахш совғалар билан уларнинг кўнглини кўтариш аънаъна тусига кирган. Қолаверса, беш нафар ёш ишчининг никоҳ тўйлари ҳам корхона ҳомийлигида утказилди.

— Фойдаланимай ётган 2 гектарга яқин ер майдонидида ташкил этилган ишлаб чиқариш маркази бутун нафақат Андижоннинг, балки республиканинг илгор гўшаларидан бирига айланди, — дейди «Саноат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Икромжон Раимов. — Энг муҳими, коллеж битирувчиларининг аксарияти «Rubber trust» да ишлаб, оила бюджетини мустақамлашда ота-онасига таъминот кўмақдош бўлишди. Абдулхалим маҳалламиздан 6 та кам таъминланган оилани ўз ҳомийлигига олган, турли сайли ва байрамларда ёрдами аямайди. Маҳалламиздан 30 киши шу корхонада меҳнат қилипти.

Утган йили Андижон вилоятида ишлаб чиқарилган қарийб 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi саноат маҳсулотлари экспорт қилинди. Ҳа, қаерда қўшма корхона қад ростлаётган, инвестиция қиритилиши учун имконият яратилаётган бўлса, айнан уша жойда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлиб ва бўлиналаришининг, маҳалла фаолиятининг фидоийлиги ва жонбозлиги муҳим омили бўлиб хизмат қилипти.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla» Азаматжон Тошматов олган сурат.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ОНА-ЗАМИН КЎРКИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА



— Баракалла болаларим, саришгали жой фариштали бўлади, ён-атрофини чиннидек тозалаб яхши қилдингиз, кўрганнинг кўзи қунаб, бахридли очилади. Озодалик инсонга кўт-барака, ишларига ривож бағишлайди...

Биргалашиб ён-атрофини супуриб-сидирган, ариқларини тозалаб, даракларини оқлаган маҳалладошлар ўз ишларидан мамнун ҳолда уй-уйига тарқаларкан, 80 ёшли Собир отанин оқлишидан мамнун бўлишди.

— Май ойида туманимиздаги Сармисшўи дарасида «Асрлар садоси» фестивали бўлиб ўтади, — дейди Навбахор туманидаги Янгийўла қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Саид Муҳаммадов. — Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби йилнингизда ҳам ободонлаштириш ойлари доирасида қизгин ишлар давом эттириляпти.

Йилнингизда хузуридаги Экология ва табиатни муҳофазаси қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкамзорлаштириш бўйича комиссия аъзолари томонидан агроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, томорқа маданиятини ошириш, ободонлаштириш ва кўкамзорлаштириш мақсадида оиб бўрилган тартибот-ташвиқот натижасида хуудимиздаги 7 та маҳалланинг барчасида бу ишлар фаолиги билан амалга оширилмоқда. Жумладан, хууддаги 8 та мактаб, 3 та ҚВП, 1 та мактабгача таълим муассасаси, шунингдек, «Навбахор пахта тозалаш» заводи ҳамда «Navbahor-textil» корхонаси маъмурияти билан ҳамкорликда ҳар шабба-якшанба кунлари ҳашарлар ташкил этилди.

Қишлоқ фуқаролар йиғинида «22 тулдан мевали ва манзарали кўчат ўтказиш фуқаролик бурчимиздир!» шiori остида астойдил иш олиб борилмоқда. Зотан, кўчат экиб, бог яратиш укан савоб, қолаверса, экология мусаффолигини таъминлашда ҳам энг самарали омилдир.

Шу жоис «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Навбахор тумани бўлинимаси томонидан туман ўрмон хўжалари ҳисобига 13 миллион 400 миң сўм маблаг ўтказилиб, мевали-манзарали кўчатлар совиби олган ва тумандаги мавжуд 41 та йиғинга етказиб берилди. Айниқса, «Кармана — Қалқон» йўналишида жойлашган Янгийўла хуудига кўп абдрак ва гул кўчатлари ўтказилиб, ён-атроф эрта

Баҳордан янгича манзара касб этди. Қишлоқ аҳлининг ҳамжиҳатлиги туфайли хууддаги «Қалқон ота» қабристони ободонлаштирилиб, атрофи девор билан ўради ва йўл чекасига мевали-манзарали даракт кўчатлари ўтказилди. Бу хайри ишни амалга ошириш учун 50 миң фермер хўжаликлари ҳомийлик қилишди.

— Фуқаролар йиғинлари хузуридаги Экология ва табиатни муҳофазаси қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкамзорлаштириш бўйича комиссия аъзолари томонидан агроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, томорқа маданиятини ошириш, ободонлаштириш ва кўкамзорлаштириш мақсадида оиб бўрилган тартибот-ташвиқот натижасида хуудимиздаги 7 та маҳалланинг барчасида бу ишлар фаолиги билан амалга оширилмоқда. Жумладан, хууддаги 8 та мактаб, 3 та ҚВП, 1 та мактабгача таълим муассасаси, шунингдек, «Навбахор пахта тозалаш» заводи ҳамда «Navbahor-textil» корхонаси маъмурияти билан ҳамкорликда ҳар шабба-якшанба кунлари ҳашарлар ташкил этилди.

Қишлоқ фуқаролар йиғинида «22 тулдан мевали ва манзарали кўчат ўтказиш фуқаролик бурчимиздир!» шiori остида астойдил иш олиб борилмоқда. Зотан, кўчат экиб, бог яратиш укан савоб, қолаверса, экология мусаффолигини таъминлашда ҳам энг самарали омилдир.

Шу жоис «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Навбахор тумани бўлинимаси томонидан туман ўрмон хўжалари ҳисобига 13 миллион 400 миң сўм маблаг ўтказилиб, мевали-манзарали кўчатлар совиби олган ва тумандаги мавжуд 41 та йиғинга етказиб берилди. Айниқса, «Кармана — Қалқон» йўналишида жойлашган Янгийўла хуудига кўп абдрак ва гул кўчатлари ўтказилиб, ён-атроф эрта

Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

ҲАР КУНИ БИР ЎЗГАРИШ, БИР ЯНГИЛИК ГУВОҲИМИЗ

Гиждувон туманидаги Қорахона қишлоқ фуқаролар йиғини чирой очаетган масканлардан. Айниқса, кейинги йилларда «Қорабог» маҳалласида ободонлаштириш, кўкамзорлаштириш ишлари намунали йўлга қўйилган.

Маҳалла хуудидида кенг ва раvon кўчалар, бир текис экилган дов-дарактлар, турар-жойларнинг саранжом-саришталлиги кишида ҳавас уйғотади.

— Ҳар кунни бир ўзгариш рўй бераётганидан руҳланган қишлоқдошлар орасидан ташаббускорлар, юксалишларга бош қўшаётганлар кўпаймоқда, — дейди «Қорабог» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одил Шарипов. — Уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаётганимиз, йиғин ваколатлари доирасида кўмак бераётганимиз боис, гузаримизда пойабзал таъмирлаш устахонаси, саргаршоҳона, бир неча савдо дўкони ишга туширилиб, аҳолига сифатли, арзон нархларда хизмат кўрсатиляпти. Гузардан дорихона биносининг ҳам ўрин олгани кишиларни туман марказига қатнашдек оворагарчиликдан халос этди.

«Қорабог»даги 33-умумтаълим мактаби ўрнига замон талабига мос, кўзини қувонтирадиган янги мактаб қурилгани ўғил-қизлар учун ажойиб тўғҳа бўлди. Сунгги русумдаги ўқув жўзалари, асбоб-ускуналар, спорт инвентарлари билан безатилган кенг ва ёрун синфхоналарда тажрибали муаллимлар дарс бераётган. Айниқса, дарсдан кейин фан, санъат турлари бўйича йўлга қўйилган тўғарақлар болаларнинг муносиб таълим-тарбия олишида муҳим аҳамият касб этаётган.

Маҳаллада замон билан ҳамнафас, ишнинг кўзини билладиган тадбиркорлар, фер-

мерлар бисёр. Улар ишбилармонлик, муносиб ҳаёт кечирishi, эл-юрт истиқболи учун қайтиришда кўпчиликка ибрат. Муқаддас айланиб бораётган фермерлардан Иброҳим Мустафоев ва Мухтор Ҳайитовнинг ташаббускорлик курсатиб, ишларни намунали ташкил этиб, эришяётган муваффақиятларидан хууд аҳли ҳам наф кураётган. Кўча-кўйлар, турар-жойлар тобора обод бўлиб, ишчилар фойдали меҳнатга жалб этиляпти.

Қорахона қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Нарзиевнинг таъкидлашича, биргина «Қорабог»да эмас, балки бутун қишлоқда савватпешалар кўпаймоқда. Кишилар бир ёқадан бош чиқариб, маҳалланинг саранжом-саришта, кўрам ва обод бўлишига ўз улушларини қўшмоқда. Бу эса, ўсиб келаётган ёшлар учун ибратдир. Узоқ йиллик ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб, маҳалланинг беқиёс таъсир кучини юракдан ҳис қилган инсон сифатида аниқ айта оламани, қадардон масканимиз — эзу ишлар бардавомлигини таъминлайдиган ноёб тўзимма. Маҳаллага хос эзу жиҳатлар, инсонлар кўнглида меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик туйғуларини мустақамлаш бер экан, хуудлар гуллаб-яшнаб, қалбларда бунёдкорлик иштиёқи жўш ураверадир.

Зайни ТҲЙЕВ, Бухоро вилояти Гиждувон тумани «Қорабог» маҳалласи фаоли.

МАҲАЛЛА — КЎПМИЛЛАТЛИ АХИЛ ОИЛА

БИЗ ЯГОНА ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ



Бугунги кунда мамакатимиз хуудидида тинч-товуз яшаб келаётган бир юз ўттиздан зиёд милагат ва элат вакиллари орасида қирқ миң нафардан ортиқ бошқирдлар ҳам бор.

Тили, этник келиб чиқishi, аънаъна ва урф-одатлари бизникига ўхшаш бошқирд қардошлар республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирок этиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келишяпти.

Фуқаролар ўртасидаги ўзаро тотувлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, ҳурмат-иззат туйғулари элу юртинг тинчлиги, ҳалқимиз турмуш фаровонлиги юксалишининг пойдеворидир.

— Республикаимиз хуудиди-

да яшаётган бошқирдларнинг маданияти, тили, аънаваларини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида тузилган ижтимоий-маданий марказ кўнгли кишилардан ташкил топан жамоат ташкилотидир, — дейди Закир Валдий номидаги Тошкент шаҳар Бошқирд ижтимоий-маданий маркази раиси Элшод Хусанов. — Марказ аъзолари фақат бошқирдлардан иборат эмас, улар орасида татар, рус, озарбойжон ва юртимизда истиқомат қилаётган бошқирд вакиллари ҳам бор.

Марказ томонидан уюшти-

рилаётган тадбирлар кишиларда катта қизиқиш уйғотади. Аъзолар эса, нафақат бошқирд маданияти, санъати, фольклор аънавалари ва урф-одатларини оммалаштиришга интиладилар, балки уларни юртимизда яшаётган бошқирд вакиллари қадриятлари билан қиёслаб, тадқиқ этадилар.

Ҳар йили мазкур марказ томонидан бошқирд миллий қаҳрамони Салават Юлаевнинг хотира кўни ва бошқа шонли саналар, диний ва миллий байрам шодияналари кенг нишонлаб келинади. Жумладан, Наврўз умумхалқ байрами ҳам.

— Яқинда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий бонд Республика байнаҳалла маданият маркази ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган Наврўз

байрами шодияналарида диёримизда умргузаронлик қилаётган барча милагат ва элат вакиллари қаторида бошқирдлар ҳам қатнашди, — дейди Мировод тумани Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Жабборова. — Байрамда бошқирдларнинг миллий мусиқаси, ашула ва қўшиқлари янгради. Шу билан бирга, миллий либослар ва ўйилган кўргазмаси томошабинларда катта таассурот қолдириди. Бундай қадим урф-одатлари замирида халқар ўртасидаги бағрикентлик, аҳил-иноқлик каби муштарак туйғулар мужжасамдир.

Мадаий марказлар ташаббуси билан ҳар йили ҳосил байрамлари, йиғим-терим сайиллари кенг миқёсда нишонланади. Уларни ва миллий байрам шодияналари кенг нишонлаб келинади. Жумладан, Наврўз умумхалқ байрами ҳам.

— Яқинда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий бонд Республика байнаҳалла маданият маркази ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган Наврўз

Нурилла ЧОРИЕВ «Mahalla»

ҚАРОР ВА ИЖРО

НУРИ ОЙГА ЕТМАСА ҲАМ...

Давронбек ва Бехрўз мактабдан қайтаркан, муюлишдаги дўконида сотилаётган лазерли курсаткичга қизиқиб қолишди.

— Қоронғида яхши ёритади, олавер, маза қилиб ўйнасан, — деди молини ўтказишга уринаятган сотувчи. Гаши чечанроқ Давронбек эса: — Нури узоққа борадими ўзи? Бата-режиси яхшими? — деди лазерли курсаткичининг у ёқ, бу ёғини титқиларкан. — Э, қизиқ бола экансан-ку! Нури ойга ҳам етади ука, агар гапим ёлгон бўлса, эртга қайтариб олиб келсан. Келишдикми?!

Сотувчининг гапидан тасвирланган Давронбек лазерли курсаткичини харид қилди. Икки дуст кечкўрун кўчада матоҳин синиб кўришга келишиб хайрлашди.

...Улар ой чиқishiни интизорлик билан куттилар, сотувчининг айтганлари қулоқлари остидан кетмасди. Шу пайт осмонга самолёт кўтарилди.

— Давронбек қара, самолёт. Кел, лазерли курсаткичини унга қаратиб қўрайлик, нури борса, демек ойга ҳам етиши тайин.

— Э, болажонларим, бу яхши иш эмас, — дея маҳалла раиси икки

дўстининг гапига қўшилди. — Шу ердан утиб кетаёттиб, гапларининг бехос эшитдим. Самолётга лазерли нур тўтиш шавфи. Бунинг оқибатида ҳулокат рўй бериши, юзлаб инсонларнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин.

Болалар кўларидидаги матоҳ шунчаки ўйинчоқ эмас, балки зарарли восита эканини англагач, ундан воз кечинди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда лазерли курсаткичлардан таралаётган нур инсон сонинга зарар етказибгина қомай, кўпгина техник, хусусан авиа қўлатқичларни ҳам келтириб чиқармоқда. Дунёнинг қатор давлатларида бундан азият чекаётганлар бор.

Шу йилнинг 20 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси хуудидида лазерли нур қаттиқларни ишлатишнинг тартибига солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори замирида ҳам инсонлар тақдирини, хонадонлар тинчлигини таъминлашдек мақсад ётади.

Мировод тумани ҳуқуқ-тартибот

кутилмаган ҳалокатга бошлаши мумкин



идоралари ва маҳалалар ҳамкорлигида аэропортга яқин манзилларда мазкур қарор юзасидан тартибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти.

— Хуудимизда 3800 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Оқ уй» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анвар Икромов. — Уларнинг ўттиз фонизи успириллар. Ҳар бир боланинг билим савияси ва дўйқарашининг соғлом бўлишида нафақат ота-оналар, балки маҳалла-қўй ва таълим муассасаси ҳам масъул. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори мазмун-моҳиятини ёшларга англашги мақсадида тумандаги ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ва урарушлар ташкил этилмоқда. Болалар ва ота-оналарга лазерли курсаткичларнинг салбий оқибатларини тушунтиряпмиз. Маҳалла гузарарида ва 214-умумтаълим мактабиди ана шундай тадбирлар ўтказилди. Хуудимиздаги дўконларда лазерли курсаткич савдосидан оқди олинди.

Қарорда белгиланганидек, жорий йилнинг биринчи мартдан лазерли курсаткичлар сифатида фойдаланиладиган портатив лазерли нур тарқаткичларини четдан олиб кириш ва сотиш тақиқланди. Уларни четарадан

ноқонуний йўллар билан юртимизга олиб ўтмоқчи бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

— Мактабимизда миң нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олади, — дейди Мировод тумани 214-умумтаълим мактаби директори Гулнора Алимбекова. — Тартибот-ташвиқот тадбирларида лазерли курсаткичларнинг зарарли оқибатларига алоҳида тўхталиб ўтмайлик. Хусусан, ҳама кемааларига тутганда учувчининг кўзи қамашishi, чалғиши мумкинлиги, бу эса турли ҳалокатларга олиб келиши муқаррарлиги ҳақида ҳар бир ўқувчи етарли тушунчага эга бўлаётган. Ота-оналар

Баҳодир ҲАЛИМОВ «Mahalla»

ХУШХАБАР

«Иссиқ нон»нинг доврўғи

Гузур тумани Шерали қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Иссиқ нон» цехида тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотларига талаб кун сайин ошиб бормоқда.

Тайёр маҳсулотлар вилоятнинг бошқа хуудларига ҳам етказиб бериляпти. Утган йили бу ерга хориздан 180 миллион сўмлик 20 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатиладиган. Бу янги иш ўринлари очиб имконини берди. Шерали қишлоғидаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ушбу цехга ишга қабул қилинди. Айни пайтда бир кеча-кунузда бир тонна урни қайта ишлаш қувватига эга корхонада 12 нафар йиғит-қиз иш билан банд.

— Цехнинг ишга тушиши аҳолимиз учун қўлайлик ярат-

ди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Арал Қаҳдоров. — Ёшларимиз иш билан таъминланади. Сифатли, иссиққина нон дастурхоналаримизни тўдирди, тўй-марра-каларимизга барака киритди.

Цех фаолиятини янада кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Мақсад ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулот турларини кўпайтириш орқали истеъмолчилар талабларини қондириш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратишдир.

Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»

ОТАМ, ОНАМ, МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ

ҚАДРИ БАЛАНД, ОРЗУЛАРИ ОЛАМ ҚИЗЛАР



« [1] »

Ха, спорт — соғлиқ гарови, нафақат жисмонан, маънан ҳам. Бунинг яқола исботини Сарвинос Шайдуллаева камолга етган Ангор туманидаги «Ангор» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Жуманазар Массиев ва Олия Чориева оиласи мисолида кўришимиз мумкин.

Обод турмуш йилида Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган истеъодли қизлар сафида Сарвиноснинг ҳам борлигини нафақат хонадон яқинлари, балки бутун ангорликлар катта хурсандчилик билан қарши олди.

Жуманазар Массиев — миришкор-бобон. У спортнинг самбо тури билан шугулланади. Олия Чориева Ангор туманидаги Зихтисослаштирилган умумтаълим мактабда ёш авлодга бошланғич таълимдан сабоқ беради. Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган. Шу боис мазкур хонадон болалари спортга ошно бўлиб улгайишди. Оиладаги соғлом муҳит, юртимизда яратилган улкан имкониятлар боис фарзандлар ота-онасидан-да кўпроқ ютуқларни қўлга киритишди.

Сарвинос — тунгич фарзанд, Мактабда ўқиб юрган йилларида спортнинг қарат ва комбат айқиди турлари билан мунтазам шугуллана бошлади. Шу кунга қадар у 24 та олтин, 10 та кумуш ва 11 та бронза медалини қўлга киритган.

Сингилари Гулрухсор комбат айқидо, Муслима енгил атлетика турларига катнайдди. Укаси — умумтаълим мактабининг учинчи синф ўқувчиси Мирзаомил ҳам комбат айқидо бўйича Ўзбекистон чемпионати совриндоридир.

— Бу оила маҳалламиздаги намунали хонадонлардан, — дейди «Ангор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Қурбонмуродов. — Уттан йили Сарвинос Париж шаҳрида бўлиб уттан жаҳон кубоги мусобақасидан кумуш медал билан қайтди. Оилавий спортчилар «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» республика мусобақасида фаол иштирок этгани учун махсус дипломага сазовор бўлишди. Уй бекаси Олия Чориева ёш авлод тарбияси йўлидаги самарали меҳнатлари

Феруза ЭГАМОВА «Mahalla»

«ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2013»

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИ ЮКСАК САВИЯДА ЎТКАЗИШ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

< [1] »

Жахура Актер РЕШИМА, оғир атлетикачи (Бангладеш): — Ёшим ўн бешда. Болалигимдан тош кўтариш билан шугулланаман. Оғир атлетика кишидан катта матонат, сабр-тоқат, куч ва ирода талаб этади. Оғир атлетика сирларини кўнгил билан пухта ўрганишга ҳаракат қилгиман. 2011 йили Осиё чемпионатида бронза медални қўлга киритишга муваффақ бўлганим билан фахрланаман. Орзуим — Олимпия ўйинларида галаба қозониш.

Ноука АНДОЛСИ, оғир атлетикачи (Тунис): — Ўзбекистонда ўтказилаётган чемпионат юксак савияда ташкил этилгани билан ажралиб турибди. Спорт мухлислари билан тўлиб-тошган «Ўзбекистон» мажмуасида ўз имкониятимни намойиш этаётганимдан мамнунман. Мазкур бела-шувлар ҳар қайси тенгдошим ҳаётида ёрқин из қолдиришига ишончим комил. Рақибларим орасида кучли ва катта маҳоратга эга спортчилар кўп. Ушбу спорт форуми нафақат медаллар учун кураш олиб бориш, балки моҳир оғир атлетикачилар билан яқиндан танишиш, ўзаро фикр алмашишга хизмат қилаётир.

Бандара ВИКРАМАСИНГХ, мураббий (Шри Ланка):

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Гузал Тошкент ҳар қандай кишининг ҳавасини тортади. Бу заминнинг миллий анъаналари ва урф-одатлари менга жуда манзур бўлди. Мамакатингизда спортни, жумладан, оғир атлетикани ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, спорт билан шугулланиши учун шарт-шароитларни яратиш борасида ҳавас қилса арзигulik ишлар амалга оширилатганига гувоҳ бўлдим.

Лиса ИНДРИЯНИ, оғир атлетикачи (Индонезия): — Оғир атлетика спортчидан пухта жисмоний ва руҳий тайёргарлик талаб қилади. Ана шу икки



жиҳати уйғунлаштири олган спортчи галабага эришиши мумкин. Ўзбекистонда спортнинг бу тури билан шугулланаётганлар орасида катта маҳорат ва тажрибага эга атлетлар кўп экан. Қисқа вақт ичида улардан кўп нарсаларни ўргандим. Халқингизнинг меҳмондўстлигига қойил қолдим. Мазкур спорт

анжуманига юксак савияда тайёргарлик қўрилгани, иштирокчилар учун яратилган қулайликлар барчамизга манзур бўлди. Уза мухбирлари Мадина УМАРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР ИШТИРОКЧИСИ



Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишнинг самарали тизimini яратишга жиддий эътибор қаратиламоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тилларни, асосан, инглиз тилини фаол ўргатиш учун зарур шароит яратиш, замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир. Шунингдек, ушбу ҳужжат замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, хорижий тиллардан эркин сузлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизimini тубдан қўриб чиқиш ҳамда уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари, дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар яратиш вазифаси қўзда тутилгани билан алоҳида аҳамиятга молик.

Мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш орқали ўқувчиларимиз келажақда замонавий фан-техника ютуқларини пухта ўрганиб, халқаро даражадаги юқори малакали кадрлар сифатида та-

рихшимиз, иқтисодий, маданий ютуқларимизни ҳам кенг тарғиб этиш салоҳиятига эга бўлишди. Бу барча таълим муассасалари ва чет тили ўқитувчилари зиммасига мустақили давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширадиган юксак билим-ли ёш авлодини тарбиялашдек улкан вазифаларни юклайди.

ЎзДЖТУ қошмига 3-сон академик лицейида ўтилатган дарсларда бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илм-фани ва техникасига бағишланган илмий-оммабоп, бадиий ҳамда мультимедиялик фильмлар инглиз тилидаги субтитр ёрдамида ўқувчиларга намойиш этилади. Курсатув якунида ўқувчилар фикр-мулоҳазаларини инглиз тилида баён қилишди.

Қувонарлиси, улар орасида чет тилини мукамал ўрганиб, жаҳон адабиёти намуналарини аслиятдан таржима қилиш билан бирга, инглиз, немис, француз ва бошқа хорижий тилларда ижод қўллаётганлар кўлайиб бораётир. Биз ўқитувчилар бундай ўқувчиларнинг чет тилларига қизиқишларини янада қўллаб-қувватлаш ҳолда, илгор педагогик воситалардан фойдаланиб, дарсни интерфаол усулларда олиб боришга иштирокчи. Дарслардан сўнг уларга қўшимча машғулотлар ўтиб, бу жараёнда ноътанавий услублар, кўрғазмалар воситалар(слайдлар, мазгута оид расмий плакатлар, аудио, видео воситалар, тарқатма материаллардан кенг фойдаланилми.

Халқимизда «Тил билган — эл билади», деган нақл бор. Бугунги кунда хорижий тилларни ўрганаётган ўқувчилар мамлакатимизда яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз довуртини дунёга таратадиган муносиб авлод бўлиб етиштиши шубҳасиз.

Азиза НОДИРОВА, ЎзДЖТУ қошидаги 3-сон академик лицейи инглиз тили фани ўқитувчиси.



Кучли сел оқибати

Аргентинада руй берган сел оқибатида Буэнос-Айресда 52 киши ҳаётдан кўз юмди.



«Итар-ТАСС» ахборот агентлигининг хабар беришича, сув тошқини бошланганда кўпчилик уларидан чиқиб улгурмаган. Бир неча киши машинаси билан сувга фарқ бўлган, баъзиларни эса тоқ урган. Уналб одамлар шу пайтгача уйлар ва автомобилларнинг томларида қўтарувчиларни кутишмоқда.

Рухсатсиз қурилган бино

Мумбайнинг гарбий Махараштра штатида жойлашган Тхане шаҳрида кўп қаватли бино қулади.



Бунинг оқибатида 27 киши вафот этди, 50 дан ортиқ одам жароҳатланди, дея хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги.

Қулаган бино охиригача қурилмаган бўлса-да, унинг биринчи қаватида одамлар яшай бошлаган, офислар жойлашган эди. Маҳаллий ОАВнинг хабар беришича, қурилиш ишлари ҳукумат вакилларининг рухсатсиз олиб борилган.

Айни дамда вайроналар остидан одамларни қўтариш ишлари давом этмоқда.

Энг катта кема

Германиянинг «Lurssen Yachts» кemasozлик компаниясида дунёдаги энг улкан супер яхта ясалди.




«Azzam» деб ном олган янги яхтанинг тақдими Бременда ўтди. Ушбу муҳташам кема иккита газ турбина ва дизель-двигатеми билан тезлигини 30 денгиз узелигача ошириш имконига эга. «Azzam»нинг ички интерьери таниқли француз дизайнери Кристофер Леони томонидан яратилган. Кўп сонли каюталарнинг пардоз ишлари ҳали омма эътиборига ҳавола этилмаган.

Ушбу ҳашаматли кема тахминан 620 миллион АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда.

Горда олти кун

АҚШдаги қор босган горда қарийб бир ҳафта қолиб кетган 23 ёшли сайёҳ қиз Мэри Оуэн қутқарилди.



Худ номли энг баланд тоғ чўққисига қўтарилиш пайтида руй берган. Мэрининг айтишича, у 1463 метр баландликдаги «қор қопқонига» тушиб қолган. «Ноумидлик жуда оғир экан. Сунги кунгача бор кучгайратим билан ҳаёт учун курашдим», деди Оуэн қизиди. Айти вақтда у шифохонада даволанмоқда.

Интернет маълумотлари асосида Ниуларф ЮНУСОВА тайёрланди.

ОИЛА ШИФОКОРИ ҚУЗУРИДА

ТИББИЙ КЎРИК ЎЗИМИЗ ВА ОИЛАМИЗ УЧУН ЗАРУР

Инсон шукр қилишни билмаса, қийин экан. Йўқса, Муроджоннинг ҳам турмуши ёмонмас: гулдек ҳунари, остонада навбат талашиб турган миждозлари бор эди. Аммо бир синфдош ўртоғининг қўтқусига учдию хорижда ишлаб келиш иштиёқи ортди.

Ота-онаси, яқинларининг қаршичилига қарамай, йўл тарадудига тушган Муроджон ортидан маънос қузатаётган аёлини юпатади: «Сен кўп ташвиш чекаверма, хотин. Тўғри, турмушимиз ёмон эмас. Аммо қийинда қиз чиқарадиганми. Агар ишлар юришса селу тўйининг барча харажатларини шу биргина сафарда йиғиштириб келарканман...»

Бирок Муроджон ҳар ернинг уз тошу тарозиси борлигини хорижа етиб боргандан сунггина тўшуниб етди. Гадоитопмас ўрмонларда олти ойга яқин ит азобда меҳнат қилса-да, қўли тузукроқ пул кўрмади. Бир дунё ватанлар берган

ишонч ҳосил қилгач, поликлиника томон йўл олди. Таҳлил натижалари Муроджонда тери заҳарланиши, ички аъзолар шамоллаши аломатлари борлигини кўрсатди ҳамда унга керакли даво муолажалари тавсия қилди.

— Бу дардлар мўмай дармад хомхаёлининг «шарофати»дан, — дейди Муроджон. — Уша ёқда заҳарли ўрмон пашшаси чаққан, шамоллашимнинг сабаби эса, нуқул ботқоқ ва намликда ишлаганимдан. Яхшиям, вақтида тиббий кўриқдан ўтдим, акс ҳолда касаллик зўрайиб, оғир асоратларни юзга келтираркан.

Айтиш жоизки, Малика Ишхожаева раислик қилаётган Бухоро шаҳри Собир Раҳимов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида хорижда бўлиб, маҳалласига қайтган шахсларга тиббий кўриқдан ўтиш бўйича тавсиялар бериляпти. Худудда мазкур ташаббуснинг аҳамия-



тини тўри тушунганлар тегишли тартибда тиббий кўриқдан ўтмоқда.

Чунонки, жорий йилнинг икки ойи мобайнида ўн саккиз нафар киши тиббий кўриқдан ўтди. Албатта, бу хайри ишда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тизимиси сардори Шавкат Гофуров, 4-поликлиника врачси Солиҳа Рофиеванинг фаоллигини эътироф этиш лозим.

ланиш учун етарли шароит яратиш, қолаверса, оиласи саломатлиги, хонадонлардаги соғлом тиббий муҳитни таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда хориждан қайтаётган шахслар учун бепул тиббий кўриқни жорий этганми.

Таассуфлар бўсинки, кейинги йилларда чет элга қатнаётган меҳнат мигрантлари орасида баъзи бир хавфли касалликлар учрашидан кўз юмиб бўламиз. Шу боис хориждан қайтганлар ва уларнинг яқинлари тиббий кўриқ масаласига, аввало, ўз саломатликлари хавфсизлиги нуқтан назаридан ёндашишга яхши бўларди. Зеро, шу юрт, шу заминда бажарилаётган ҳар бир иш, ҳар бир эзгу ҳаракат замирида фуқароларимиз манфаати, муҳофазаси мужассам.

Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»